O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 28 FEVRAL ◆ PAYSHANBA ◆ №26 (26.885)

КЎҲНА КЕШНИНГ ЯНГИ ОДИМЛАРИ

ШАҲРИСАБЗДА БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН «ОҚСАРОЙ ТЎҚИМАЧИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТУШИШ АРАФАСИДА

Шаҳрисабзнинг бугуни ҳар қачонгидан уйғоқ. Саноати гуркираётган кўҳна Кешга ташриф буюрсангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Истиқлол йиллари бу ерда турли давлатлар билан талай соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйилди. Қўшма корхоналар бунёд этилди. Хорижий инвестиция кириб кела бошлади. Қўшимча иш ўринлари яратилди. Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигида «Шаҳри интернейшнл», туркиялик шериклар билан «Дон — халқ ризқи», англиялик тадбиркорлар билан «Мевалар камалаги» сингари қувватлар ишга туширилди. «Шаҳрисабз» тамғали маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳам ўз харидорини топди.

Кўркамгина замонавий бинога йўл оламиз. Бу ўзбек-туркяпон инвестициялари иштирокида барпо қилинаётган «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси.

— Ҳозир сўнгги пардозлаш, тўқимачилик дастгоҳларини синовдан ўтказиш ва маҳаллий йигит-қизларни ўқитиб-ўргатиш билан бандмиз, — дейди корхона раҳбари Зайниддин Боқиев. — Корхона йилига 4800 тонна тароқланган ип-калава ҳамда 2000 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, маҳсулот хорижга экспорт қилинади.

— Бу қўшма корхонанинг афзалликлари нимада?

— «Оқсарой тўқимачи» қўшма корхонаси тўртта асосий мажмуа — толани тайёрлаш, йигирув, ип-калавани ўраш ҳамда тўқув майдонларидан иборат. Замонавий хориж технологияси ўрнатилмоқда. Бошқарув тизими Европадагидан фарқ қилади, — дейди технологияларни ишга туширишдаги раҳбар Исмоил Сари. — Бу мажмуада тола тозаланиб, титиш, тароқлаш, пиликлаш, йигириш, ўраш ва тайёр мато ҳолига келгунга қадар турли жараёнлар бажарилади. 40/1 инглиз артикулида ишлаб чиқариладиган маҳсулотга эса хорижда қизиқиш катта.

Умумий майдони 21 минг квадрат метрли бинода Японияннинг «СМН Ҳова», «МПМ-10», «Тайота», «Мурата», «Отори Тручлер» каби компанияларида ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги технология ва дастгоҳлар қатори АҚШнинг «Вангард» фирмасида тайёрланган юксак унумли тўқимачилик машиналари ҳам бор.

— «Оқсарой тўқимачи ЛТД» ҳамда «Чиноз тўқимачи ЛТД» каби қўшма корхоналар Марказий Осиёда ягона саналади, — дейди «Мицубиси корпрейшн» (Япония) компаниясининг Марказий Осиё давлатларида лойиҳаларни ишга туширишдаги вакили Тошиюки Цугэ.

— Шерик бўлишдан мақсад, — дейди Шаҳрисабздаги «Садо» акциядорлик жамияти раҳбари Ҳусан Каримов, — аввало, йигит-қизларимизни иш ўринлари билан таъминлаш, қишлоққа хориж технологиясини жалб қилиш, ярим тайёр ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни экспортга йўналтириш, юртимиз валюта заҳирасини бойитишдан иборатдир.

Таъсисчилардан яна бири Туркиянинг «Бурсел» холдинг компанияси бўлиб, қўшма корхонада ўзининг салмоқли улушига эга.

Компания раҳбари Бурхон Эну штекин мазкур қўшма корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, йилига 21 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилишини айтди.

— Ўйлайманки, умумий лойиҳа қиймати 66 миллион 766 минг АҚШ долларини ташкил қиладиган бу мажмуа ўзини тўлиқ оқлайди, — дейди у.

Нима бўлганда ҳам бу каби қўшма корхоналар истиқлол меваси. Энг муҳими, бундай бунёдкорликлар миллий ифтихорга айланиб бормоқда.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Суратларда:
1. Ишчи Муҳайё Қаюмова устози Нурали Холовдан касб сирларини ўрганяпти. 2. Корхона биносининг ташқи кўриниши. 3. Нигора Орзиқулова хориж дастгоҳини синаб кўрмоқда.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур кенгаш раиси Р.Шоғуломов бошқарди.

Таъкидланганидек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсисчилари йиғилиши қарори билан мазкур ҳаракатнинг жамоатчилик асосидаги Маслаҳат кенгаши жорий этилган эди. Унинг таркибига ёшлар тарбиясига алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, сиёсий партия, ҳомий ташкилотлар ва етакчи олий ўқув юртлари вакиллари киритилган.

Ҳаракат тизимларининг барча йўналишдаги фаолиятини йўлга қўйишда илмий-услубий тавсиялар бериш, амалий ёрдам кўрсатиш, жойларда иш ривожига тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар ечимини топишда кўмаклашиш Маслаҳат кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланган. Ўтган даврда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Ҳаракатнинг дастур ва низомида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, молиявий-иқтисодий негизини ва моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги тизимлари ва бошқа жабҳаларда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари тузилди.

Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, турли салбий оқимлар таъсирига берилиб кетишининг олдини олиш мақсадида тадбирлар ўтказилди.

Йиғилишда ўтган даврда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Келгусида Маслаҳат кенгаши аъзолари, турли давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳаракат фаолиятидаги иштирокини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломова иштирок этди.

■ **(ЎзА)**

«ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» 10 ЁШДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий нашри — «Голос Узбекистана» газетаси Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг туб ислоҳотларни амалга ошириш, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этиш, истиқлол маънавиятини шакллантириш, мустақил мамлакатимизни жаҳонга танитишга қаратилган сиёсати мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари, унинг ташкилотлари, фаолларининг кўпқиррали оммавий-сиёсий, ғоявий ишлари билан, хусусан, русийзабон юртдошларимизни хабардор қилишга муҳим ҳисса қўшмоқда.

2002 йилнинг 27 февраль куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Голос Узбекистана» газетаси таъсис этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов йиғилишни очар экан, партия муассислигида чиқарилаётган «Голос Узбекистана» газетасининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўрни ҳамда унинг миллий истиқлол ғояларини шакллантириш ва тарғиб этишга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида сўз юритди.

Тадбирда «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири С.Остонов, мазкур газеталар бош муҳаррири муовини А.Орлов, газета мухбири Владимир Чеботин, ХДП Тошкент вилоят, шаҳар кенгашларининг биринчи котиблари С.Агзамов, Л.Ғуломов, «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти раиси С.Ғаниева ва бошқалар газета фаолияти тўғрисида гапирдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ХОРИЖДА



НАСА олимларининг айтишларича, 27 февралдан 28-га ўтар кечаси Ой жорий йил бўйича энг тўлин ва ёрқин бўлиши кузатилди. Шу кеча Ой Ерга энг яқин орбитада ҳаракат қилди. Шу сабаб, заминимиз йўлдошининг ҳажми одатий ҳолатидан 9 фоизга йирикроқ, 20 фоизга нурафшонроқ кўриниш берди.

✧✧✧

АҚШ молия вазири Пол О'Нил ЭТА баск сепаратлари гуруҳига тегишли банк ҳисоб-рақамлари «музлатиб» қўйилганлигини эълон қилди. Молия вазирининг таъкидлашича, бу қарорни Испания ҳукумати ва Европа Иттифоқи билан келишган ҳолда амалга оширган. Испанияда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошираётган ЭТА гуруҳи АҚШ томонидан террористик гуруҳ сифатида рўйхатга олинган.

✧✧✧

Кеча Пентагон маъмурияти Гуантанамо асирларининг 500 га яқини ҳарбий трибуналга топширилишини билдирди. Шунингдек, асирларнинг бир қисми суд қилиниши учун фуқаролигига қараб ўз ватанига қайтарилиши мумкин.

✧✧✧

Покистон Президенти Парвез Мушарраф америкалик журналист Даниэл Перлнинг ўлимида айбланаётган шахсларни АҚШга топширишга ўз розилигини билдирди.

✧✧✧

Reuters агентлигининг хабар беришича, кеча Хитой ҳукумат раҳбари Цзян Цзэминь уч кунлик ташриф билан Вьетнамга келди. Ташриф давомида икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш бўйича музокаралар олиб борилади.

✧✧✧

Чоршанба куни эрталаб Буюк Британия қироличаси Елизавета хоним Австралияга ташриф буюрди. Уни мамлакат генерал-губернатори Питер Холлингуорс кутиб олди.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

2001 йилда мамлакатимизда ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо операцияларида 128 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ФИКР АЛМАШДИЛАР

Миллий Матбуот марказида Ўзбекистон Президенти матбуот хизмати ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг давра суҳбати самимий ва ошкора руҳда ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби Рустам Жумаев сўзга чиқиб, ислоҳотлар жараёнини ёритишда журналистларда бироз сусткашлик сезилаётганини уқтириб ўтди. Дарҳақиқат давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, матбуот кузатувчи эмас, балки жараёнларнинг фаол иштирокчиси, йўналтирувчи, бунёдкор куч бўлиши керак.

Анжуманда иштирок этган радио, телевидение, ахборот агентликлари раҳбарлари, марказий газеталарнинг бош муҳаррирлари, бош муҳаррир ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишда, шунингдек, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида ўртага ташланган масалалар ва долзарб муаммолар хусусида фикрлашдилар, уларни матбуотда ҳаққоний ёритиш ҳақида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

ВАТАН САОДАТИ УЧУН ФИДОЙИЛИК ЗАРУР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Раҳбар аввало эл-юрт кўз ўнгида ҳалоллик ва Ватанга фидойиликда ўрнак бўлмаса, одамлар ҳам унга меҳр боғлолмас экан.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз нутқини тинглаб кўнглимдан ана шундай ўйлар кечди.

Ҳа, ҳақ гапни айтиш, тўғри сўзлаш қанчалик зарурат бўлса, шу қадар оғир ҳамдир. Ахир, йиғилишда санаб ўтилган камчилик ва нуқсонларни катта-кичик раҳбарлар, айниқса, вилоят кенгашининг депутатлари билишмасмиди? Билишарди. Аммо... Нега унда вилоятда ўтадиган йиғилишларда, вилоят сессияларида ҳамма жим эди?

Ҳамма гап ичда эди. Бу овозни баланд кўтармай, «шивир-шивир» қилиш, кўрқоқларча муносабатдан бошқа нарса эмас. Ахир, сессияда танқид қилинганидек, 2500 йиллиги нишонланадиган вилоят марказида ақалли битта тузукроқ меҳмонхона ҳам йўқлиги рост-ку!

Шаҳардаги «Термиз», «Сурхон» меҳмонхоналарида эса иссиқ сув тугул, баъзан совуқ сув ҳам бўлмайди.

Термиз шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг аксариятида иситиш мосламалари ишламайди. Канализация тармоғи ишдан чиққан. Уй ертўлалари қишин-ёзин сувга тўла. Ҳатто шаҳар бўйича аҳоли учун бирорта тузукроқ ҳаммом йўқ эканлигини айтишнинг ўзи уят бўлса керак. Зеро, вилоятда сўнгги йиллар давомида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бирорта ҳам муқобил корхона ташкил этилмади.

Бундай ачинарли аҳвол вилоят марказидаги Термиз шаҳри ҳақида. Туманларда, чекка қишлоқларда аҳвол қандай? Яширишга не ҳожат, халқ турмуш тарзини яхшилаш, маданий-маиший шароитларни юксалтириш хусусида айрим туман раҳбарлари кўп ҳам қайғурмай қўйган эдилар.

Вилоятдаги раҳбарлар ташаббус, изланиш ўрнига ҳамон «юқоридагилар билишади-да» деган кайфият билан қўл қовуштириб юришганга ўхшайди. Бу кўпроқ аҳолини иш билан таъминлаш, янги замонавий корхоналар очиш, янги иш жойлари яратиш борасида яққол сезилади. Бошқа вилоятларга таққосланганда Сурхондарё орқада қолаётгани кўп бор танқид қилинди. Аммо ҳеч кимнинг жон куйдиргиси келмади.

Ахир, вилоят аҳолисининг 70 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайди. Бу ҳали воҳада қанчадан-қанча имкониятлар қалашиб ётибди дегани! Шундай бўлса-да, сессияда таъкидланганидек, «вилоятнинг асосий бойлиги бўлмиш ерга муносабат, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари тўғри ташкил этилмаган».

Агротехника тадбирлари талаб даражасида эмас. Деҳқончилик маданиятини юксалтиришга етарлича эътибор қаратилмади. Асосий бойлигимиз — ер ҳақиқий деҳқонларга, ер қадрини тушунадиган одамларга берилиши лозим. Аммо, минг афсусларки, кейинги йилларда туман ҳокимликларида бу борада хатоликларга йўл қўйилди. Натижада ерни эъзозлаб, ундан самарали фойдаланаётган кишилар билан бир қаторда, ер қадрини билмайдиган, ундан мўл-кўл ҳосил етиштиришни эмас, балки фақат ўз манфаати учун фойдаланишни кўзлайдиган олғирлар қўлига ҳам тушиб қолди.

Бандихон туманидаги «Бунёдкор» фермер хўжалиги 30 гектар ерга пахта эккан. Аммо 92 тонна пахта топшириш ўрнига атиги 7 тонна пахта топширган ва гектар бошига 2,3 центнердан ҳосил олган. Ёки шу тумандаги «Бўстон» фермер хўжалигини олайлик: 44 гектар ерга пахта экиб, 75 тонна ўрнига 18 тонна пахта топширган. Ўртача ҳосилдорлик 4,1 центнер!

Бандихондаги «Воҳид», «Гулшан», «Жаҳонгир бобо», «Хумо», «Шойдулобод» каби фермер хўжаликлари ҳам гектарига 6,5-8 центнердан ҳосил олишган. Бундай ҳолатлар биргина Бандихонда эмас, балки Жарқўрғон, Музработ, Узун, Шеробод, Шўрчи туманларида ҳам бўлиб, ҳатто гектар бошига ҳосилдорликни 1 центнерга етказмаган фермерларни қандай аташ мумкин?! Ваҳоланки, вилоятда ҳар гектар ердан 50 центнердан ошириб пахта етиштираётган миришкорлар кўплаб топилади.

Вилоятда чорвачилик соҳаси ҳам эътибордан четда қолди. Тўғрисини айтганда, гўшт, сут ишлаб чиқаришга, умуман шу соҳага эътибор, талаб йўқ. Ахир, бир пайтлар чорвачилик соҳасида мамлакатда илғорлар қаторида бўлган вилоятнинг ўрни қаёқда қолди?

Денов туманидаги Ш.Қобилов номли ширкат хўжалигида ўтган йилга нисбатан 155 бош қорамол, 136 бош ушоқ мол камайиб кетишига йўл қўйилган. Бир бош сигирдан йил давомида 130 килограмм сут соғиб олинган... 86 бош сигирдан 14 бош бузоқ олинганига нима дейсиз?!

Аслида, бу гаплар илгарироқ, дард газак олмасдан олдин айтилиши лозим эди. Энди эса кечаги кундан сабоқ олиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезроқ тузатиш муҳим. Бунинг учун катта-кичик раҳбарлар, халқ депутатлари бир бўлиб Сурхондарёнинг обрў-эътиборини, қадимий шуҳратини тиклаш учун фидойилик билан меҳнат қилмоқлари зарур.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ОҒРИҚ

ГУЖУМЛАР ҚУРИДИ, ТЕРАКЛАР ХАВФ ОСТИДА...



ЁКИ «МЎЙЛОВДОР» ДЕБ АТАЛГАН ОФАТГА БАС КЕЛИШНИНГ ЙЎЛИ БОРМИ?

... Қўшнимизнинг беш туп гужуми бўларди. Баҳайбат, сершох. Беш-ўн чақиримдан кўриниб турарди. «Отамдан қолган», — деб мақтаниб қўярди қўшнимиз.

Қайсидир йили гужумга қурт оралади-ю, ҳаммаси адо бўлди. Кўз қувнар азим дарахтлар икки мавсумдаёқ қуриб битди. «Отамерос» мулкни сақлаш учун нималар қилинмади. Қўшним гужум пўстлоқлари орасига нималар суртмади. Қорамой қуйиб кўрди. Турли «ядохимикат»лар ишлатди...

Бўлмади. Гужумлар қуриди. Энди яланғоч шохлар қўрқинчли кўринарди. Гўё бошига тушган бехос тақдирдан чора излаб кўкка талпинаётгандай тасаввур уйғотарди, кишида.

Сўнгги йилларда Хоразмда гужумлар қолмади ҳисоб. Эндигина экилган ёш ниҳолларни ҳам номинг қурғур «шаҳар мўйловдори» деган касофат еб битирмоқда.

Одамлар гужум экмай қўйишган. Воҳанинг минг йиллик фахри аста-секин тарихга айланмоқда.

Аҳоли гужумсиз яшашга кўникди. Иложимиз қанча? Қачондир, қайлардандир қурилиш ашёларига илашиб келган «келгинди» очофатлар табиатга даҳшатли зиён етказди. Шу билан чекланилса кошкийди. Энди еб тўймаслар бутун дарахтларга қирон келтирмоқда. Оқибатда ёғочбоп дарахтлар экиб, кўпайтириш, хусусан, теракзорлар барпо қилиш борасидаги ҳукумат қарорининг ижроси ҳам воҳада аро йўлда қолиб кетмоқда. Қисқа фурсатда ўтқазилган минглаб туп тераклар энди кўкка бўй тортиб, шовуллай бошлаган бир кезда «келгинди»лар ҳужумига учрашди. Шу тахлит нечанеча гектарлардаги азим тераклар нобуд бўлди. Сақлаб қолинганлари ҳам иморатга, тўсинга ярамайди, қуртлар таналарини илма-тешик ҳолатга келтирган.

(Давоми 2-бетда)

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Жиззах вилояти ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши алоҳида ибрат кўрсатган ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантиришга эътиборни кучайтирмоқда.

Яқинда қишлоқ хўжалик ходимларидан 250 нафари имтиёзли тарзда сиҳатгоҳларга жўнаб кетишди. Ўтган хўжалик йилидаги меҳнатларига яраша рағбатлантирилганлар орасида механизаторлар, сувчилар, фермерлар бор. Улар айни пайтда Тошкентдаги «Ботаника», «Бўстон» сингари сиҳатгоҳларда дам олиб, саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

■ (Ўз мухбиримиз)

Қадимда бизнинг тадбиркор ва уқувли момоларимиз зардўзлик ва заминдўзлик билан ҳам шуғулланганлар. Улар тиккан буюмларининг довруғи Мағрибдан Машриққача машҳур бўлган. Чеварликнинг зардўзлик йўналиши заминдўзликдан бирмунча фарқ қилади. Зардўзликда қоғозгул устига зар билан тикилса, заминдўзликда матодаги чизма устига нақшли зар солинади.

Ўтган йили Германияда республика «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан ташкил этилган кўргазмада зардўзлик усулида тикилган буюмлар ҳам намойиш этилди. Кўзни қамаштирувчи келинлик либослари, халат, зар шиппак, дўппилар, кашта ва зардеворлар кўргазмага ташриф буюрган томошабинларда катта таассурот қолдирди.

✧✧✧

Суратда: самарқандлик зардўз Зарина Зиёева

■ Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

АКС-САДО

ВИЖДОНЛИ ОДАМ ИСРОФГАРЧИЛИК ҚИЛМАЙДИ

ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИ, БАЛКИ ИСРОФГАРЧИЛИГИМИЗ ТУФАЙЛИ УНИ ЎЗИМИЗ ЎЧИРАМИЗ...

(«Тежалмаса тоғ ҳам чидамайди», 2002 йил 14 февраль)

Мулкка қандай муносабатда бўлсак, шунга яраша қадр-қиммат топамиз. Электр энергияси хусусида ҳам шундай мулоҳазани айтиш мумкин.

Электр қуввати хонадонимизга трансформаторлар ёрдамида берилади. Агар энергия истеъмоли меъёрдан ортиб кетса, ўша трансформаторлар ичидаги махсус мосламалар ўзўзидан қувватни тўхтатиб қўяди, яъни зўриқиш натижасида мослама ишламайди. Акс ҳолда трансформатор ёниб кетиши ҳам мумкин. Биз эса бундай вазиятда «Ток ўчди», «Чироқни ўчиришди...», деб айюҳаннос соламиз. Демак, чироқни исрофгарчилигимиз туфайли ўзимиз ўчирар эканмиз. «Давлатники-да, менга нима», деган кайфият ҳали ҳам кўпчилигимизда бор.

Яна бир гап: йўл четидаги симёғочларга тиркалган металл таянчлар авваллари больт билан мустаҳкамланарди. Негаки, симёғочнинг металл таянчига «сварка» ишлатиб бўлмайди. Хуллас, одамлар ана шу металларни ечиб кета бошладилар. Назоратчилар эса бундай ташмачиликка чек қўйиш мақсадида больтлар билан мустаҳкамланган резбали гайкаларни болға билан уриб, «бураш йўллари»ни маҳкамлаб чиқдилар. Аммо, афсуски, шундан сўнг ҳам айрим кишилар симёғоч таянчларини «сварка» ёрдамида қирқиб кетишди. Бугун қишлоқларимизда электр қуввати ва унинг манбаига нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлинаётгани сир эмас. Бу билан биз ўз иқтисодимизга зиён келтираётганимизни англаяпмизми?

Газетада «Тежалмаса тоғ ҳам чидамайди...» сарлавҳали мақола орқали бугуннинг долзарб мавзуси кўтарилган. Энг муҳими, одамларнинг ўзи инсофга келса, электр қувватидан тежаб фойдаланишни, давлат мулкини кўз қорачиғидай асрашни ўргансалар жуда яхши бўларди.

Тежамкорликда гап кўп. Иқтисодий муваффақиятлар эса ана шу тушунча билан боғлиқ.

■ Амир ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Ҳамза номли ижод уйи директори

РИЗҚ-РЎЗ МАНБАИ

Тарих — мураббий. Унинг кўзгусида ўтмиш орзулари ва бугун бемисл ўзгаришларни кўрамиз. Масалан, шўро даврида Шаҳрисабзда дон маҳсулотлари корхонаси қуриш кўп бор режалаштириб, пайсалга солинган эди. Бу ният истиқлол туфайли рўёбга чиқди. «Дон — халқ ризқ-рўзи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти эътиборли корхонага айланди. Цехларда Олмониянинг «Винклер» фирмаси лицензияси билан тайёрланган ускуналардан фойдаланилмоқда. Сиғими 18 минг тонналик элеватор қурилган.

Яна бир муҳим янгилик: яқинда корхона қошида Ўзбекистон — Туркия «Шаҳри Кеш» қўшма корхонаси ишга тушди. Корхона бир кеча-кундузда 150 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Ташаббус тўхтаб қолган эмас. Ем тайёрлайдиган цех қуришмоқчи. Россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган яна бир қўшма корхона тузиш ҳаракати бошланган.

■ Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БОЖХОНА БЕКАТИ

ЎҒИТ, ЦЕМЕНТ ВА ТЕРИФУРУШЛАР

Давлат Божхона қўмитасининг маълумотларига қараганда, февраль ойининг биринчи беш кунида ҳудудий божхона бошқармалари томонидан 38 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар, озиқ-овқат ва бошқа халқ хўжалик моллари четга ноқонуний олиб чиқиб кетилаётганида ушлаб қолинди.

✧✧✧

Сурхондарё вилояти божхоначилари сўқмоқ йўллар орқали ҳаракатланаётган «КамАЗ» русумли автоуловдан гумонсиращди. Тўхтатиб текширилганда эса 8 тонна минерал ўғитни фуқаро Баҳодир Холлиев Тожикистон Республикасига олиб чиқиб сотмоқчи бўлганлиги аниқланди. Ўғитни қаердан олган, бу энди тергов давомида аниқланади.

✧✧✧

Т.Холиқулов ва А.Султонов келишган ҳолда 24 тонна цементни 2 та «КамАЗ» автомашинасига юклаб Тожикистонга чиқиб кетиш ниятида йўлга отланди. Икки автомашинанинг пана-пастқам йўллардан ҳаракатланаётганлиги Тошкент вилояти божхоначиларини шубҳалантирди. Гумон тўғри бўлиб чиқди.

✧✧✧

З.Хўжамбердиев эса 500 дона қўйнинг хом терилари «ЗИЛ» машинасига юклаб Қирғизистон Республикасига пуллаш учун божхона назорати ўрнатилмаган пана-пастқам йўллар орқали шошилаётган эди. Бироқ бу хом режани Наманган вилояти божхоначилари пучга чиқарди.

Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

■ Нурбек МУСТАФОЕВ

ОҒРИҚ

ГУЖУМЛАР ҚУРИДИ, ТЕРАКЛАР ХАВФ ОСТИДА...

ЁКИ «МЎЙЛОВДОР» ДЕБ АТАЛГАН ОФАТГА БАС КЕЛИШНИНГ ЙЎЛИ БОРМИ?



(Давоми. Боши 1-бетда)

«Шаҳар мўйловдори» ҳақида кўп айтилди, кўп ёзилди. Мутасадди ташкилотлар эса «чора-тадбирлар кўрилаётгани» ҳақида маълумот беришдан бошқасига ожиз. Негаки...

Бизни масаланинг бошқа томони қизиқтирди. Наҳотки, инсоният турли балои офатларга чора топган ва топаётган пайтда кўзга кўриниб турган қуртни йўқотишга кучимиз етмаса?

«Кимётаъминот» вилоят ташкилоти ходими **Фани ПОЛВОНОВ**нинг фикрига қулоқ тутайлик: **«Гужумлар майлига, эндиликда мавжуд теракзорларни ва бошқа мевали боғлардаги дарахтларни асраб қолишимиз керак. Касофатга қарши йилига икки марта ишлов ўтказилади. Биз ихтиёримизда мавжуд бўлган бир неча турдаги кимёвий дорилар билан белгиланган муддатда қатъий тартибга асосланиб, ишлов берамиз. Аммо самараси кам. Чунки, делтафос, данитол, супрефос каби химикатларнинг бу қуртларни йўқотишга кучи етмайди...»**

Мутасадди ташкилотлар имкон қадар чора-тадбирлар қўллаяпти. Аммо кучсиз кимёвий дориларни йилига икки эмас, ҳатто ўн бора ишлатганда ҳам нафи бўлмайди.

Навоий электрокимё заводида ишлаб чиқарилаётган махсус химикатлар бу очофат қуртлар олдида ожиз эканлиги ҳақида эшитдик, мутахассисларнинг фикрларини ўргандик.

Вилоят ҳокимлиги мутахассиси, фан номзоди **Мақсуд ХУДОЙБЕРГАНОВ** айнан шу мавзуда илмий иш қилган, қатор тажрибалар ўтказган. Олимнинг фикрича: **«Юз фоиз самара берадиган дорининг ўзи йўқ. Бунинг устига бу қурт, личинкалари билан озиқланадиган бошқа жониворлар фанда маълум эмас, яъни содда қилиб айтсак, биологик усули ҳам яратилмаган. «Шаҳар мўйловдори»нинг дарахтлар танасида икки йил яширин ҳолатда яшашини, ўзига хос «ҳимоя усули»га эга эканлигини ҳисобга олсак, курашимиз нимага ижобий натижа бермаётгани маълум бўлади. Тўғри, вилоят ҳокимлиги бу борада тадбир ишлаб чиққан, мавжуд қурт-қумурсқаларга қарши ишлов ўтказилади. Шу тахлит озми-кўпми самарага эришилар ҳам. Аммо бу заҳарли кимёвий дориларни шаҳарда ишлатиб бўлмайди-да. Аҳоли соғлигига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, истаймизми-йўқми қишлоқда натижага эришсак, шаҳарда қўлимиз калталик қилади. «Мўйловдор» учун эса шаҳар ва қишлоқ ораси бир қадам...»**

Бизда ишлаб чиқарилаётган кимёвий воситалар самарасиз экан, бу борада хориж тажрибасига суяниш ёки хорижда ишлаб чиқарилган, нисбатан кучли воситаларни келтириш мумкин эмасми, деган саволга жавоблар деярли бир хил бўлди: **«Хорижда ишлаб чиқарилаётган ва нисбатан самараси юқори бўлган махсус дорилар қиммат — валютага келади-да...»**

Ҳозирги иқтисодий шароитда — кўплаб ташкилотлар хўжалик ҳисобида ишлаётган ёки мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги идоралар учун хориждан келтириш ҳийла қийин эканлиги тушунарли. Лекин самарадор воситаларни яратиш мумкин эмасми? Ахир, бу масала билан махсус шуғулланаётган илмий текшириш институтлари бор-ку! Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий текшириш даргоҳларида ҳамда Фанлар академиясига қарашли бошқа ташкилотлардаги олимларимиз наҳотки бундай очофатга қарши бирор чора тополмасалар?!

Тўғри, бу борада юқорида эслатилган даргоҳларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётган, янги кимёвий воситалар синовдан ўтказилаётган ёки синовга ҳозирланаётгандир. Лекин бу борада кечикмаяпмизми?! Фурсат бой берилмаяптими?!

...Қўшнимиз энди отамерос гужумларидан сўз очмай қўйди...

■ Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар туман кенгашларидан маҳаллий партия ташкилотларининг фаолиятига оид хабарлар МК матбуот хизматига узлуксиз келиб турибди. Уларда ХДП фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича партия ташкилотларининг кундалик ишлари акс топган. Уларнинг баъзилари билан газетхонларни таништирамиз.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

2002 ЙИЛ — «ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ»

ХДП Сирғали туман кенгаши, «Мебель» акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида «Таъзим» деб номланган тадбир ўтказди. Корхонанинг кекса ишчилари, нафақадаги партия аъзолари ҳонадонларига ХДП туман кенгаши биринчи котиби Л. Исматова ташриф буюрди ва совға-саломлар топширди. Мазкур туман кенгаши яна бир хайрия тадбирида фаол қатнашди — Сирғали туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда Зангиота зиёратгоҳи, «Хотира» майдони, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва Темурийлар тарихи давлат музейига кекса отахон ва онахонларнинг саёҳатини ташкил этишда кўмаклашди.

Уйчи туманида ҳам меҳнат фахрийларини йўқлаш, рағбатлантириш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш ишларига яхши эътибор берилмоқда. А. Мўминов номли ширкат хўжалигида касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирга хўжаликдан нафақага чиққан 70 нафар нуронийлар таклиф этилдилар. Тадбирда қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ёшлар билан олиб бораётган ишларига оид масалалар хусусида сўз борди. Шу куни меҳнат фахрийси — Чиннихон Қозоқова хонадонига йўқлов уюштирилди.

ХДП **Тўрткўл туман кенгаши** ташаббуси билан, «Ғалаба» жамоа хўжалигида ўтказилган бундай тадбирларнинг бирида 105 ёшни қаршилаган онахон — Холли момо Қурбонназаровани ҳамқишлоқлари муборакбод этдилар.

Наманган туманидаги «Зарбдор», «Ижодкор», «Ғайрат» жамоа хўжаликларининг бошланғич партия ташкилотлари Қурбон ҳайити арафасида нуронийлар хонадонига йўқлов уюштирдилар.

Партия **Андижон шаҳар кенгаши** томонидан, Қурбон ҳайити муносабати билан, «Саъдий» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида, ушбу маҳаллада яшовчи кексалар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди.

Балиқчи туманидаги 9 та бошланғич партия ташкилотлари, «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан, меҳнат ва партия фахрийлари ҳолидан хабар олдилар.

ДЕПУТАТЛАР АХБОРОТИ

Куни кеча ХДП **Чирчиқ шаҳар кенгашида,** Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларга ХДПдан сайланган депутатлар иштирокида, депутатлар гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби, депутатлар гуруҳининг раиси Д.Азизхўжаев гуруҳнинг 2001 йилдаги фаолияти якунлари ва 2002 йилдаги вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Йиғилиш иштирокчилари ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси Х.Назаровнинг депутатлик фаолияти ва партия ташкилотларининг маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар билан ҳамкорлик қилиш амалиёти билан таништилар.

Ўзбекистон ХДП **Урганч туман кенгаши** ижроия бюроси мажлисида халқ депутатлари туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутат Б.Каримовнинг ўз сайловолди дастурини бажариш юзасидан ахбороти тингланди.

ХДП **Тўрткўл туман кенгаши** хайрия тадбирларини мунтазам ўтказиб келмоқда. Бу ишларда ХДПдан сайланган депутатлар ёрдам бермоқдалар. Депутат А.Аллашукуров, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда Марказобод маҳалласида истиқомат қилувчи қариялар учун «Оазис» кафесида дастурхон ёзиб, уларга совға-саломлар топширди. Депутат билан суҳбатда отахонлар, туманнинг ижтимоий масалалари юзасидан, ўз фикр, таклиф ва маслаҳатларини билдирдилар.

Натижада, С.Аддакаев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида қишлоқ шифокорлик амбулаторияси қурилиши бошланди. Қурилишга тумандаги тадбиркорлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунингдек, депутат ёрдамида, қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида, «Зингер» тикув машиналари олиб берилди.

ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

Ўзбекистон ХДП **Қашқадарё вилоят кенгаши** ижроия бюроси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг, 2002 йил 14 февралида, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида, «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз» мавзуида, сўзлаган маърузасини тарғибот қилиш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда ХДП вилоят кенгаши тарғибот гуруҳи, шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларига ушбу маърузанинг мазмун-моҳиятини ҳар бир партия аъзосига, фуқарога етказиш бўйича оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш вазифаси топширилган. Ушбу қарорга асосан, ХДП **Шаҳрисабз туман кенгаши** томонидан, бошланғич партия ташкилотларида мулоқотлар ўтказиш бошлаб юборилди.

ХДП **Косон туман кенгашида** партия матбуот нашрларига 2002 йил учун обуна ташкил этиш натижалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ишчи гуруҳининг ахбороти тингланди, ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Обуна мавсуми доимий ҳаракатдаги иш эканлиги эътиборга олиниб, тегишли қўшимча тадбирлар тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси 1-сонли касалхонасида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида ХДП **Нукус шаҳар кенгашининг** биринчи котиби С. Нурмонов 2002 йил учун партия марказий нашрлари: «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига обунани ташкил қилишда намуна кўрсатган мазкур бошланғич партия ташкилотига Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг фахрий ёрлиғини топширди.

Балиқчи туман партия кенгаши, «Эски Хақулобод» қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, унинг котиблари, партия аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказди. Йиғилишда туман партия кенгаши биринчи котиби Р. Норбобоев партия бошланғич ташкилотлари олдидаги долзарб вазифалар, партия сафларини ёшлар ҳисобига ўстириш масаласи тўғрисида сўз юритди. Мажлис сўнггида, партия сафига қабул қилинган, 12 нафар ёшларга партия билетлари топширилди.

ХДП **Ш. Рашидов туман кенгашида** «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, депутатлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари байрам режалари ҳақида фикр алмашдилар. Туманда «Наврўз» байрами арафасида ўтказиладиган шанбаликдан тўпланадиган маблағ кексалар, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарфланиши тўғрисида келишиб олинди.

ХДП **Элликқалъа туман кенгаши**, туман маданият бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда қўшма мажлис ўтказди. Унда «Наврўз» байрами, арафасида «Қарияларни эъзозлайлик!» шиори остида «Нафосат-2002» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Нукус шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси мажлисида, «Дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти ҳудудий бошланғич партия ташкилотида олиб борилаётган сиёсий-оммавий ва мафкуравий ишлар ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бошланғич партия ташкилоти очиқ партия йиғилишида ХДП сафига қабул қилинган 9 нафар ходимга партия билетлари топширилди.

МАФКУРАВИЙ ИШЛАР

Кўрғонтепа туман қурилиш коллежи бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан **«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»** рисоласи — маънавиятимиз ривожланиши дастури» мавзуида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Тадбирда коллеж маъмурияти, партия аъзолари, ўқитувчи ва талаба ёшлар иштирок этдилар. Очиқ мулоқот чоғида ХДП Кўрғонтепа туман кенгаши биринчи котиби З.Каримова, коллеж директори А.Жалолов, бошланғич партия ташкилоти котиби Ш.Абдукаримова тадбир қатнашчилари томонидан берилган саволларга жавоб бердилар.

Тўрткўл туманида хўжалик ёки ўқув муассасаларида оммавий очиқ мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Ушбу учрашувларда тўй-маърака, тантана, маросимларни тартибга солиш, замонавий, камчиқим ва серфайз қилиб ўтказиш, қарияларни қадрлаш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни оила қуришга тайёрлаш, ўқув юртларида таълим-тарбия савиясини, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва шу куннинг бошқа муҳим масалалари юзасидан фикр алмашув, мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон ХДП **Тўрткўл туман кенгаши** ташаббускор бўлган бу йиғилишларда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истаклари инобатга олинди. Уларнинг барча саволларига туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Хўжаниёзова, Тўрткўл туман партия кенгаши биринчи котиби Х.Ибодуллаева, «Дўстлик байроғи» туман газетаси масъул котиби Ш.Раззоқова, туман агросаноат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси М.Кашаева, туман ижтимоий таъминот бўлими мудири К.Сержанова, ФХДЕ бўлими мудири Х.Ҳакимова, туман прокурори ёрдамчиси Й.Рўзимов, туман ички ишлар бўлими ходими Ш.Шариповлар батафсил жавоб бердилар.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

ХДП **Наманган вилоят кенгашининг** нашри — «Халқ иродаси» газетасининг чоп этила бошлаганига 10 йил тўлди. Газета жамоасини кенг жамоатчилик вакиллари, журналист ва шоирлар муборакбод этдилар. ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби М.Абдуллаева ҳамда газета бош муҳаррири М.Парпиев газета ходимлари ва фаол жамоатчи мухбирларга эсдалик совғаларини топширдилар. Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри хонанда-созандалари ҳамда таниқли шоирлар файз киритган тадбирда вилоят ҳокимлиги бошланғич партия ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

ХДП **Мўйноқ туман кенгаши,** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда, ўртамахсус, касб-ҳунар билим юрти битирувчи курс талабалари ва умумтаълим мактаблари 10-синф ўқувчилари орасида, «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловини ташкил қилди.

ОЧИҚ ГАПЛАР

ЭССИЗГИНА МАДАНИЯТ САРОЙИ

У ҚАЧОНГАЧА ЭГАСИЗ, ҚАРОВСИЗ, ТАШЛАНДИҚ ҲОЛДА ЁТАДИ?

Мухбирлик ҳам ғалати касб-да. Кўп юрасан, кўп кўрасан, кўрганларингни қоғозга туширсанг биров хурсанд, биров...

Арнасой туманига йўлим тушди. Туман маркази билан туташиб кетган Йўлдош Зоҳидов номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси идорасини сўраб-суриштириб, салобатидан от хуркадиган Маданият саройи рўпарасидан чиқиб қолибман.

Ёмғир ёғиб турибди. Ичкарига қадам қўйдик. Ташқаридан фарқи йўқ. Ҳаммаёқ сув. Эшик-деразалари кўпориб олинган, эгаси йўқ ҳовлидай ҳувиллаб ётибди. Кўзларимга ишонмадим. Чунки, бир пайтлар бу сарой нафақат хўжаликнинг, балки туманнинг кўрки ва фахри эди. Бугун эса...

— Бино аслида «Олтин водий» жамоа хўжалиги ҳисобида бўлган, — дейди ўзини Йўлдош Зоҳидов номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси бош ҳисобчиси деб таништирган Худойберди Қурбонов. — Бошқарувни енгиллаштириш, назоратни кучайтириш мақсадида хўжалик ихчамлаштирилиб учга бўлинди ва Маданият саройи бизнинг ҳисобимизга ўтказилди. Иқтисодий аҳволимиз ночорлиги туфайли саройни-ку кўя турайлик, унинг бир чеккасидаги идорамизга тегишли 4-5 та хонани таъмирлашгаям қурбимиз етмаяпти.

Маданият саройининг ташқи кўриниши: на эшик, на ром қолган.

Ҳисобчининг гапларига қараганда, хўжаликнинг аҳволи ночор. Хўш, бунга ким сабабчи? Янгими-эскими, хўжаликнинг эгаси борку. Мавжуд вазиятдан чиқиш, аҳволни ўнглаш ҳақида раҳбар қайғурмаса ким қайғуради? Ахир, бундай салобатли бинони қуришнинг ўзи бўлмайди-ку. Наҳотки, муҳташам сарой эл кўзи ўнгида нураб кетаверса?!

Саройнинг катта томоша зали, фойеси, ёрдамчи хоналари аҳволини кўриб, ичичингдан ачинасан киши. Йиллар давомида қаровсиз қолганлиги оқибатида ганчли безаклари, ғиштин деворлари ва пол тахталари қўпориб олинган. Кимлар томонидан бузилгани ва қаерга ташиб кетилгани бизга қоронғу. Хоналарга бош суқсангиз сочилиб ётган ойна синиқлари, турли хил чиқиндилар, темир-терсакларга кўзингиз тушади. Маданият саройининг ичида тандир ва ўчоқ, унинг ёнига тахлаб қўйилган ғўзапоя...

Бу ерга кимлар келиб, кимлар кетаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Хўжалик раҳбари Муҳиддин Суяров ҳам ҳар куни камида бир марта бу ерга келади. Келади-ю, ҳайҳотдай бинонинг бир четидаги хонасидан қайтиб кетаверади. Атрофига бундоқ разм солишни ўзига эп кўрмайди шекилли. Акс ҳолда хўжалик ҳисобидаги Маданият саройи бундай ҳолда ётмас эди. Қизиқ, кимлардир бундай биноларни орзу қилади. Арнасойда эса борини ҳам асрашнинг уддасидан чиқа олмаяптилар.

Эҳтимол, бошқа бирор бино шундай аҳволга тушиб қолганини кўрганимизда бундай ажабланмаган бўлардик. Ахир бу бино одамларга маданият, маърифат, маънавият улашадиган, ёшларнинг тарбиясига хизмат қиладиган маскан-ку!

Масалан, Арнасойнинг ўзида 43 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Шундан 11 мингдан кўпроғи туман марказида истиқомат қилади. Афсуски, бу ерда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ишдан ва ўқишдан бўш пайтларини кўнгилли ҳамда марокли ўтказишлари учун энг оддий шарт-шароит ҳам яратилмаган.

— Ишдан сўнг, дам олиш ва байрам кунлари кинофильмлар томоша қилишни, артистлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашишни хоҳлаймиз, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги 1-умумтаълим мактаби хўжалик ишлари мудири Суннат Латипов. — Бунинг учун шароит қани? Қанийди, эгасиз қолган Маданият саройини «Кимошди» савдоси орқали сотиб оладиган ёхуд ижарага олиб, эпақага келтирадиган тадбиркор ёки ташкилот топилса. Жилла қурса, уни биз — ёшларнинг ихтиёримизга беришсайди. Ҳашар йўли билан уни тартибга келтириб, бинойидай спорт залига айлантириб олмасмидик. Аслида бунинг учун катта харажатнинг кераги йўқ. Фақат бу ишни ташкил қиладиган, бошимизни қовуштирадиган бир раҳбар бўлса бас.



Маданият саройининг ички кўриниши: ўпирилган деворлар, шип-шийдон қилинган шифтлар, ўтинхонага айлантирилган бурчак...

Ўйлаймизки, туман раҳбарлари, ишбилармон ва тадбиркорлар арнасойлик ёшларнинг эзгу истакларини инобатга оладилар.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ҚЎШ ХАБАР

АНЖУМАН

Самарқанд шаҳрида хотин-қизлар ҳуқуқларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Жиззах, Қашқадарё вилоятлари хотин-қизларидан вакиллар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги, «Винрок Интернэшл» халқаро ташкилотининг Ўзбекистон ва Украинадаги ваколатхоналари экспертлари иштирок этган бу тадбирда оилавий низоларнинг олдини олиш ва шу асосда ўтказиладиган тадқиқот натижалари муҳокама этилди. Анжуман иштирокчилари «Сабр» ишонч марказининг давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигида олиб бораётган ишлари билан танишдилар.

«ЁШЛАР МАРКАЗИ»

Ёшларга барча жабҳаларда кенг йўл очиб берилмоқда. Самарқанд вилоят ҳокимлиги вилоятда ёшлар марказини бунёд этиш ташаббуси билан чиқди.

Самарқанд шаҳар истироҳат боғи ёнида жойлашган очиқ театр биноси ўрнида қад ростлайдиган ушбу масканда ёш оилаларга кўмак, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшлар студияси ҳамда компьютерлаштирилган ўқув зали ва бошқа қулайликлар яратилади.

— Жадал суръатларда бунёд этилаётган «Ёшлар маркази» минглаб йигит-қизлар орзуси ушалишига имкон беради. Вақти келиб бундай марказ шаҳар туманларида ҳам бунёд этилар, — дейди вилоят ёшларининг сардори Баҳодир Шаропов.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ**



ЗИДДИЯТ ТОБОРА КЕСКИНЛАШМОҚДА

Шу кунларда жаҳон жамоатчилиги эътибори яна Яқин Шарқдаги вазиятга қаратилди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар тобора кескинлашиб, қуролли ҳаракатлар авжига чиқмоқда. Исроил ҳарбийлари Фаластин ерларига яна ҳужум бошлади.

Ўтган ҳафтада фаластинликлар анчагина талафот кўрди. Газо минтақасининг Миср билан чегарадош ҳудудидаги қочқинлар лагерига Исроил танклари бостириб кириб, бир неча уйни вайрон қилди. Самолёт ва вертолётлар ёрдамида Фаластин полицияси ва хавфсизлик кучларига қарашли бинолар ўққа тутилди. Газо минтақасида мухторият раҳбари Ёсир Арафотнинг шахсий гвардияси ҳисобланмиш «Куч-17» ҳарбий бўлинмасининг қароргоҳига ракета тушди. Хабарларга кўра, бир неча қўриқчи ҳалок бўлган. Умуман, ҳужум бошлангандан кейин қурбон бўлган фаластинликлар ўн икки кишига етди. Жароҳатланганлар эса ўттиздан ортиқ. Шунингдек, Ёсир Арафот қароргоҳи ҳам бир неча ракета зарбалари остида қолган. Ўзига эса шикаст етмаган. Унинг айтишича, Исроил бундай тажовуз билан бирор натижага эриша олмайди.

Исроилнинг тўсатдан ҳужумга ўтишига ўтган сешанба куни Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида содир этилган қўпорувчилик сабаб бўлди. Фаластинлик жангарилар исроилликларнинг назорат-ўтказув пунктига ҳужум қилиб, олти нафар аскарни ўлдириб кетганди. Кўп ўтмай, бу хунрезлик ким томонидан амалга оширилгани маълум бўлди. ФАТҲ ҳаракатига кирувчи «Ал-Ақсо шаҳидлари гуруҳи» буни ўз бўйнига олди.

Хуллас, воқеалар ривожини кузата туриб, тинчлик музокаралари ҳақида ҳозирча фақат умид қилиш мумкин. Халқаро ҳамжамият аралашуви ҳам вазиятни юмшатолгани йўқ. Томонларнинг бир-бирига адовати борган сари авж олаётир. Айтиш мумкинки, Ёсир Арафот ҳам, Ариэл Шарон ҳам қон тўкишни бас қилиш ҳақида гапирса-да, уларда бир-бирига ён бериш, бироз юмшаб, ўзаро тил топишишга хоҳиш-истак, интилиш йўқдай гўё.

Шу ой бошида бош вазир А.Шарон АҚШда бўлди. Оқ уй маъмурияти вакиллари билан Яқин Шарқ масаласи бўйича музокаралар ўтказди. Бироқ, бирор ечим топилмади. Вазият, айрим кузатувчилар таъбири билан айтганда, боши берк кўчага кириб қолган. Исроил бош вазирининг АҚШга сафаридан кейин юз берган ўзаро қуролли ҳаракатларда 56 киши ҳалок бўлди. Икки томон ҳам 16 нафардан ҳарбийларни йўқотди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳам Яқин Шарқда зиддият зўрайиб бораётганидан ташвиш билдириб баёнот берди. Томонларнинг ўзи қон тўкишдан тийилмас экан, минтақада вазиятни ўзгартириш қийин, деди у. Исроил ва Фаластин ўртасидаги кўп йиллик зиддиятни халқаро ҳамжамият аралашувисиз бартараф этиб бўлмайди. Томонларнинг ўзлари шунга интилмас экан, тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги аниқ.

ХАТОСИ УЧУН КЕЧИРИМ СЎРАДИ

Молдова Президенти Владимир Воронин мамлакат таълим вазири Илие Ванчеани лавозимидан озод қилди. Унинг ўрта мактабларда рус тилини иккинчи хорижий тил сифатида мажбурий ўқитиш тўғрисидаги режаси мамлакатда кескин норозиликни келтириб чиқарганди. Собиқ вазир эса ўз режасининг хато эканлигини эътироф этиб, бунинг учун кечирим сўради. Би-Би-Си мухбирининг хабар беришича, бир неча ҳафта мобайнида норозилик намойишларига чиққанлар Илие Ванчеанинг режасини шўро замонларига қайтиш деб баҳолаган.

МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁР

Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан мамлакат парламенти сессиясида сўзга чиқиб, расмий Деҳли Покистон билан сиёсий музокара бошлашга тайёрлигини маълум қилди. Бироқ расмий Исломобод бунинг учун террорчиларни қўллаб-қувватлашдан тийилиши лозим, деди президент. Унинг айтишича, ўтган йилнинг декабрида Ҳиндистон парламенти ҳамда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида юз берган қўпорувчиликлар Покистонда фаолият кўрсатаётган террорчи гуруҳлар томонидан амалга оширилгани барчага маълум.

АҚШ РЕЖАСИ

АҚШ ҳукумати саралланган ҳарбий бўлинмаларни Грузия ҳудудига жўнатишни режалаштирмоқда, деб хабар қилади Рейтер агентлиги. Улар бу ерда грузин аскарлари билан ҳамкорликда терроризмга қарши кураш бўйича машғулотлар ўтказади. Аммо баъзи манбаларга кўра ҳукумат ҳали узил-кесил қарорга келганича йўқ. Шунга қарамай ўнлаб америкалик ҳарбий экспертлар Грузияга жўнаш учун қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Америка маъмурлари Грузияга юбориладиган аскарлар жанговар операцияларда қатнашмаслигини, уларнинг вазифаси грузин ҳарбий бўлинмалари шахсий таркибига таълим беришдан иборат эканлигини таъкидлашмоқда. Америка аскарлари худди шу йўналишда Филиппинда фаолият олиб боришмоқда.

КОМПЬЮТЕР — ҲУЖУМНИНГ ЯНГИ КЎРИНИШИ

Илм-фан тараққий этгани сари барча соҳаларда янги технологиялар жорий қилинаётгани сир эмас. Ҳозир ҳаётни компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оддий ёзув-чизувдан улкан фазовий кемалар парвозигача ҳамма нарса компьютер орқали



бошқарилмоқда. Ҳар қандай ахборот ана шу мўъжазгина қутичага яшириляпти. Бироқ кейинги пайтларда террор компьютер технологияларига ҳам хавф сола бошлади. 11 сентябрь фожиасини бошдан кечирган АҚШ кибертеррор хавфидан ташвишда.

Оқ уй раҳбарининг фан ва техника масалалари бўйича маслаҳатчиси Ричард Кларк ҳукумат мамлакат компьютер тизимларини ҳар қандай кибертеррор хуружидан муҳофаза қилишда ҳарбий кучларни ишга солиш таклифи билан чиқди.

Жорж Буш маъмуриятини сенаторлар ҳам маъқулламоқда. Сенатор Чарлз Шумернинг таъкидлашича, яхши режалаштирилган ва муваффақият билан амалга оширилган компьютер террорчилиги нафақат электрон почтанинг вақтинча тўхтаб қолишига олиб келиши, балки коммунал хизмат, электр узатиш, авиация транспорти ва атом электростанциялари тизимини ҳам ишдан чиқариши мумкин. Шу боис АҚШ ҳукумати жорий йилда компьютер тармоқлари хавфсизлигини таъминлашга 2,7 миллиард доллар сарфлашни режалаштирмоқда. Оқ уй келаси йили ушбу мақсад учун 4,2 миллиард доллар ажратишни мўлжаллаб турибди.



Ричард Кларкнинг айтишича, ҳозир мамлакат доирасида аҳамиятга молик компьютер тизимларини ишдан чиқаришга қурби етадиган мутахассисларни исталганча топиш мумкин. Буни федерал муассасаларнинг ахборот тизимига хаккерлар томонидан ҳужум уюштириш ҳолларини мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин ҳали бирор хорижий давлат томонидан бундай ҳужум бўлмаган. Шунингдек, Оқ уй маъмурияти кибертерроррга қарши ишлатиладиган ҳарбий куч ўз кўлами жиҳатидан қай даражада бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам аниқ бир гап айтгани йўқ. Расмий Вашингтон кибертерроррчилар тийилиб туриши учун бундай маълумотларни сир тутишини билдирди.

НАМОЙИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жанубий Кореяда давлатга қарашли темир йўл, электр ва газ компаниялари ходимларининг мамлакат бўйлаб иш ташлаш намойиши давом этмоқда. Норозиликка мазкур уч тармоқни хусусийлаштириш борасидаги режаларнинг ҳукумат томонидан рад этилгани сабаб бўлди.

ХУФЁНА РЕЖАГА ҚАРШИ

«Самсунг электроникс» компаниясининг йирик хорижий сармоядорлари ва акциядорлари гуруҳи Жанубий Корея фирмаси раҳбарияти шаънига айбловлар билан чиқди. Йирик акциядорлар «Самсунг»ни хуфёна равишда компания низомига жиддий ўзгаришлар киритишга тайёргарлик кўраётганликда айбламоқда.

БОЛАЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Гаагада вояга етмаганларни ишлатишга қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўз ишини якунлади. Унда 50 мамлакатдан уч юзга яқин делегат иштирок этди.

Бугунги кунда жаҳонда 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган тахминан 250 миллион бола оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланади. Улардан 125 миллиони кунига 9 соатдан кўп ишлайди.

«SHIFOKOR — NON» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўз акциядорларига 30 март соат 10 00 да жамиятнинг 2001 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши (Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Т. Каримов кўчаси, 11-уйда) ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2001 йилдаги бажарилган ишлар ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Аудитор хулосасини тасдиқлаш ва 2002 йилга аудиторни белгилаш.
4. 2002 йил бизнес режасини тасдиқлаш.
5. 2001 йилдаги фойдани тақсимлаш ва йиллик дивиденд миқдорини тасдиқлаш.
6. Турли масалалар.

Акциядорлар реестри 2002 йил 27 февраль ҳолатига кўра тузилган.

Умумий йиғилишга тайёрланган материаллар билан танишиш учун С.Раҳимов тумани Т.Каримов кўчаси, 11-уйга мурожаат қилиш мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«SHIFOKOR — NON» очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси

(минг сўм)

НОМЛАНИШИ	АКТИВ	НОМЛАНИШИ	ПАССИВ
Асосий воситалар	60882	Низом жамғармаси	51980
Эскириши	25986	Тақсимланмаган фойда	25622
Қолдиқ қиймат	34896	Мақсадли тушум	8642
Номоддий активлар	35583	Узоқ муддатли қарзлар	9244
Ишлаб чиқариш заҳиралари	9915	Бюджет бўйича қарзлар	1947
Пул маблағлари	6009	Меҳнатга ҳақ тўлаш қарзлари	797
Дебиторлар	22548	Бошқа кредиторлар	2739
БАЛАНС	104335	БАЛАНС	104335

«SHIFOKOR — NON» очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йил молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот

(минг сўм)

КЎРСАТКИЧЛАР	ДАРОМАДЛАР (фойда)	ХАРАЖАТЛАР (зарар)
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	393294	
Сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи		254177
Сотиш харажатлари		41319
Солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижа	32300	
Фойда (даромад)дан солиқ		11864
Ҳисобот давридаги соф фойда	18801	

Баланс ва молиявий кўрсаткичлар ҳақиқийлигини «DUNYO-AUDIT» МЧЖ аудиторлик фирмаси тасдиқлаган.

СПОРТ

РИНГДАГИ «РАҚС»



Шу кунларда пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуига ташриф буюрган киши тай-боксчиларнинг рингдаги «рақс»ларини кўриб завқ олиши табиий. Гап шундаки, бу муаззам кошонада муай-тай бўйича ўтказилаётган республика чемпионати энг қизғин паллага кирди.

Маълумки, рингга кўтарилган спортчилар даставвал мусиқа жўрлигида ўзига хос «рақс» ижро этишади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, таиландча миллий урфда намойиш этиладиган «ўйин»нинг мақсади рингдаги жангчини руҳлантириб, рақибининг ғазабини чиқариш эмиш. Бунда спортчининг нафақат ирода ва қатъияти, шунингдек, руҳий бардоши ҳам синовдан ўтаркан.

Мусобақаларга тўхталадиган бўлсак, ҳозирча Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоят спортчилари устунликка эришмоқда. Б.Холхўжаев, А.Юсуфхўжаев, Б.Ёқубжонов ва А. Зияевлар ўзларининг яхши жисмоний тайёргарликка эга эканлигини кўрсатишди.

Мусобақанинг ярим финал босқичида 12 вазн тоифасида тай-боксчилар рингга кўтарилишди. Муросасиз баҳсларда тажрибали спортчилардан 45 кг. вазнда Аъзам Юсупов ва Қодир Собиров, 67 кг. вазнда Сухроб Эсонов ҳамда Тоҳир Мирсамадовлар ўз рақибларини доғда қолдириб, ҳал қилувчи босқичга йўлланма олишди. Беллашувларнинг финал босқичи эртага бўлиб ўтади.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Суратда: *мусобақадан лавҳа.* **Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат**

ТЕАТР

«ОНАНГ АЙЛАНСИН, БОЛАМ!»

Аёл! Ҳаёт яралибдики аёл болам, уйим-жойим, онаюртим, дейди. Аёл ҳар қандай даврда ҳам яшаш учун курашади, яратиш, яшнатишга интилади. Меҳнат ва ижод қилиш билан бирга фарзандини оқ ювиб, оқ тарайди. Меҳмон кутади, тўй қилади. Хуллас, орзу-ҳаваслари кўп ўзбек аёлининг...

Ана шу фидойи, жонбахш аёлга оз бўлса-да маънавий руҳ бериш, нозик дилига ёруғлик, умид қувонч нурларини олиб кириш, бироз бўлса-да дам олиб, ҳордиқ чиқаришларига ёрдамлашиш ниятида Ўзбек Миллий академик драма театрининг бир гуруҳ актрисалари «Онанг айлансин, болам!» номли томошани кўрсатишди.

Янги, маҳобатли саҳнада бешик. Аёл не-не орзу-умид билан бешик тебратиб, тунлар бедор алла айтади. Она боласининг етук бўйини кўриб, ўзида йўқ қувонади. Аёл йўлидан адашаёзган, ёмонлик тўрига илинай деб қолган ўғлини оналик меҳри, ақли-шуури билан тўғри йўлга сола олади. Вақти келса аёл дўстлари даврасида дардини, армонини қўшиқ билан изҳор этади, рақсга тушиб яйрайди, йиғлайди, кулади, қулдиради, рашк қилади, жиндек ғийбатга ҳам қўшилади. Барибир, у аёл-да!...

Бир неча ой ичида эллик мартадан ортиқроқ намойиш этилган бу ажойиб томошани кўриш учун мухлислар театрга ошиқиб келишмоқда. Театр ҳар гал тўлиб-тошиб, жой етишмай қолаяпти. Театр жамоаси республикамиз вилоятларига ижодий сафарга боришганида ҳам бу томоша алоҳида таҳсину олқишларга сазовор бўлди. Асар томошабинлар қалбидан жой олди. Завқ-шавқ бағишлади.

Томошада мумтоз қўшиқлар, дилбар рақслардан дилингиз қувонади, юрак торларини чертувчи монологлар, клиплар сизни ҳаёт ҳақида, инсоний бурч ҳақида ўйлашга, оналарни улуғлашга, севишга, уларни ғанимат билишга даъват этади.

Ҳа, биз бу академик театр саҳнасида юзлаб драма асарларини томоша қилиб, ҳаёт сабоғини олганмиз. Чуқур ўйга толганмиз. Ҳозир тезкор ҳаёт ранг-барангликни талаб қиляпти ва қарангки, санъаткор қизларимиз ўз маҳоратларининг янги қирраларини ишга солиб, кўпчиликка манзур бўла оладиган бир ажиб томоша яратишибди. Асарни саҳнага олиб чиқиш, қўшиқлар, рақслар, шеърлар танлаш, тайёрлаш, мусиқа яратиш, миллий кийим-кечаклар ҳозирлаш, саҳна маданиятини, манзарасини яратишнинг ўзи бўлмайди. Бу юмушлар ижрочилардан жуда катта меҳнат, маҳорат, матонат талаб қилади. Қизларнинг ўзаро аҳиллиги, фидойилиги, айниқса, юксак истеъдодларини ишга сола билишлари, бир-бирларига елка тутишлари натижасида машаққатларни дадил енгиб ўтишди ва томошабинларнинг олқишларига, офаринларига сазовор бўлишди. Ўн бир нафар актриса... Булар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Саида Раметова, Шоҳида Исмоилова, Зуҳра Ашурова, Раъно Ярашева ҳамда истеъдодли актрисалар Маҳфузахон Боботиллаева, Муқаддасой Холиқова, Нодирабегим Маҳмудова, Мадина Мухторова, Хосиятхон Хусанова, Оминахон Тўрақуловалардир. Уларнинг кўпчилиги эл ардоғидаги санъаткорлардир. Ана шунинг учун ҳам томоша мухлислар эътиборини ўзига жалб қилди.

■ **Санъат МАҲМУДОВА**

МЎЙСАФИДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Қуваликлар азалдан ўзбекона урф-одатларни, анъаналарни қадрлаш, эъзозлашни жойига қўйиб келишган. Туманда кексалар кўп. 161 нафар якка-ёлғиз истиқомат қиладиган отахон ва онахонлар бор. Уларнинг катта қисмига ижтимоий таъминот бўлими томонидан тегишли хизмат кўрсатиляпти.

Туман марказида ишга туширилган Мусажон Шербўтаев номидаги «Меҳр-мурувват» маркази қуваликларнинг йил бошидаёқ қарияларни қадрлаш борасида савобли ишларга қўл урганликларидан далолат. «Меҳр-мурувват» маркази тумандаги якка-ёлғизларга хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга. Ҳомийлар марказни ўз маҳсулотлари билан таъминлаб туради. Хусусан, «Ҳақиқат» ва «Бўстон» ширкат хўжаликлари, «Қува дон маҳсулотлари» комбинати, «Ал-Азиз» хусусий корхонаси каби саховатпеша ҳомийлар марказ кўнгилдагидек хизмат кўрсатиши учун ўз ёрдамларини аямаяптилар.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

МАЙКЛ МАЙДОНГА ТУШАДИ

«Ливерпул» жамоасининг ижрочи мураббийи Фил Томпсоннинг таъкидлашича, Майкл Оуэн келаси ҳафтада Туркиянинг «Галатасарой» футболчиларига қарши учрашувда майдонга тушар экан. Бироқ моҳир ҳужумчи оёғидан олган жароҳати сабаб бугун Англия терма жамоасининг Голландия футболчилари билан ўтказиладиган ўртоқлик учрашувида қатнаша олмайди.

ПАТРИК «ЛИВЕРПУЛ»ГА ЎТМОҚЧИ

Моҳир футболчи Патрик Клюйверт «Барселона» раҳбарларига шартнома муддати (2006 йилга қадар) тугамаёқ клубни тарк этиши мумкинлиги ҳақида маълум қилди. Бунга сабаб Англиянинг «Ливерпул» жамоаси голландиялик ўйинчига катта қизиқиш билдираётир

«ДИНАМО»НИ МАЪҚУЛ КЎРДИ

Югославиялик моҳир футболчи Огнен Короман Москванинг «Динамо» жамоасида ўйнаш учун тўрт йиллик шартнома тузишга рози бўлди. Югославия терма жамоасининг қобилиятли ярим ҳимоячиси, 23 ёшли бу футболчига Италиянинг «Удинезе», Испаниянинг «Депортиво» ва Германиянинг «Герта» клублари ҳам даъвогарлик қилишган эди. Мутахассисларнинг таърифича, Огнен ҳужумкор ва техник ўйин кўрсатадиган чап қанот футболчилардан саналади.

МАЙДОН ЭГАЛАРИ УСТУНЛИГИДА

Европа футбол клублари ўртасида яна тўртта учрашув бўлиб ўтди. Хусусан, «А» гуруҳига кирувчи «Манчестер Юнайтед» — «Нант» учрашувида 5:1 ҳисоби қайд этилган бўлса, «Бавария» — «Боавишта» ўйини 1:0 ҳисобида тугади. «В» гуруҳидаги «Рома» — «Барселона» учрашувида дарвозага 3 та жавобсиз тўп киритилди. Фақат «Галатасарой» — «Ливерпул» учрашуви 1:1 бўлди.

СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ

ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Юқумли ички касалликларига ич терлама, паратиф, бактериал дизентерия, озиқ-овқат токсико-инфекцияси ва шу кабилар киради. Бу юқумли касалликларнинг ҳар бирини маълум бир турдаги нарсалар қўзғатади ва у бошқа касалликлардан ўзига хос клиник кечиши ва эпидемиологияси билан фарқ қилади. Бу инфекциялар бир-бирига ўхшаш бўлади. Ҳар қандай ичак инфекцияси учун касаллик қўзғатувчисининг оғиз орқали кириши ва меъда-ичак йўлида тез кўпайиш ҳоллари мавжуд.

Касаллик қўзғатувчилари соғлом одамларга беморнинг ажратмалари билан ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, беморга тегишли нарсалар, ўйинчоқлар, кўрпа-тўшак, чойшаб ва бошқалардан юқиши мумкин.

Ичак инфекцияларининг тарқалишида ахлат ўралари ва ҳожатхоналардан учиб чиқадиган пашшалар ҳам катта роль ўйнайди. Ичак инфекцияларининг қўзғатувчилари ва уларнинг токсинлари меъда-ичак йўли ишини бузибгина қолмай, балки марказий асаб тизимини ҳам шикастлантиради. Беморнинг ҳарорати кўтарилади, юрак-томир тизимининг фаолияти бузилади. Бу касалликнинг аломати ҳар хил бўлади.

Ўткир меъда-ичак касалликлари асосан ёзда, мавсумнинг иссиқ кунларида кўпроқ учрайди, чунки бу даврда озиқ-овқат маҳсулотлари тез бузилади, аҳоли томонидан яхши ювилмаган сабзавот ва мевалар истеъмол қилиниши кўпаяди. Шу билан бир қаторда пашшанинг озиқ-овқатларни ифлослантириши ҳам сабаб бўлади. Бу касалликлар ҳар қандай ёшдаги кишиларга, айниқса, болаларга осон юқади. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 7 кунгача, ич терламада эса бир неча кундан 3 ҳафтагача давом этади.

Хўш, бу касалликларнинг олдини олмоқ учун нималар қилмоқ лозим?

Ўткир ичак инфекцияларининг олдини олиш учун инфекция манбаини йўқотиш, зарарсизлантириш, организмнинг касалликларга чидамлилигини ошириш керак. Аввало, дастлабки аломатлар пайдо бўлиши биланоқ, беморни иложи борича тезроқ касалхонага ётқизиб, ўз вақтида даволаса, касаллик тарқалишининг олди олинган бўлади. Бундан ташқари, касалликнинг олдини олиш учун шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш зарур. Сабзавот ва меваларни истеъмол қилишдан олдин, албатта, водопровод сувида ёки қайнатилган сувда чайиш мақсадга мувофиқдир. Сифати кафолатланмаган, номаълум шароитларда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини савдо ва харид қилиш, истеъмол қилишдан сақланиш лозим.

Ичак касалликларининг қўзғатувчилари зарарсизлантирувчи воситалар таъсирида дарров ўлади. Шу сабабли идиш-товоқларни доимо зарарсизлантириш мақсадга мувофиқ. Ичак инфекцияларининг профилактикасида пашшаларни йўқ қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Организмнинг инфекцияларга қарши чидамлилигини оширишга қаратилган умумсоғломлаштирувчи воситалар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Айниқса, ёш болага витаминларга бой овқатлар бериш, организмни бадантарбия, жисмоний машқлар, бошқа муолажалар билан чиниқтириш, меҳнат қилиш режимига риоя қилиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ўткир ичак касалликларининг олдини олиш учун, аввало, шу касалликларга шубҳа туғилса, тезда шифокорларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

■ **Махаматжон ЗОЙИРОВ, Тошкент шаҳар Сергели туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи, Зоҳиджон РЎЗМЕТОВ, Овқатланиш гигиенаси бўлими мудири**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод туман кенгаши «Фурқат» маҳалла партия ташкилоти котиби

ШАМСУТДИНОВ Садриддин Сайфуддиновичнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи Равшан Жумабоевга онаси

Зебо ЖУМАБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси кадрлар бўйича мутахассис Тоҳира Алимовага падари бузрукворлари

Абдумалик АЛИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи муовини Шерзод Маҳмудовга бувилари

ЎЛМАСХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«БАЛИҚЧИЛИК»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Балиқчилик» акциядорлик жамиятининг 2001 йил молиявий якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги мажлиси 2002 йил 29 март куни соат 11.00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Балиқчилик» акциядорлик жамиятининг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан бошқарув раисининг ҳисоботи.

2. Жамият Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий, хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини ва Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш, дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2002 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

7. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.

Манзил: Навоий шаҳри, Спутник қўрғони, 3-уй.

«БАЛИҚЧИЛИК» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2001 ЙИЛ УЧУН ҚИСҚАРТИРИЛГАН БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

(минг сўм)

	АКТИВ	сатр рақами	йил бошида	йил охирида	ПАССИВ	сатр рақами	йил бошида	йил охирида
1.	Узоқ муддатли активлар	—	—	—	1. Ўз маблағлари манбалари	—	—	—
	Асосий воситалар	—	—	—	Устав сармояси	320	5102	5102
	Дастлабки қиймат бўйича	010	14511	136951	Қўшилган сармоя	330	2543	84817
	Эскириш	011	4391	65633	Заҳира сармояси	340	5035	1374
	Қолдиқ қиймати бўйича	012	10120	71318	Тақсимланмаган фойда	350	15991	4944
	Капитал қўйилмалар	060	101	201		—	—	—
	1-БЎЛИМИ БЎЙИЧА ЯКУН	110	10221	71519	1- БЎЛИМИ БЎЙИЧА ЯКУН	390	28671	96237
2.	Айланма активлар	—	—	—	2. Мажбуриятлар	—	—	—
	Ишлаб чиқариш заҳиралари	120	17610	23442		—	—	—
	Тўланмаган ишлаб чиқариш	130	—	531	Қисқа муддатли кредит	410	238	238
	Тайёр маҳсулот	140	895	16614		—	—	—
	Пул маблағлари	170	1343	—			—	—
		—	—	—	Бюджет бўйича қарзлар	460	—	9518
		—	—	—	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	470	307	6274
		—	—	—	Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарздорлик	480	1061	3586
	Харидорлар ва буюртмачилар	220	6315	9236	Бошқа кредиторлар	530	3163	4295
		—	—	—	Бюджетдан ташқари тўлов	500	—	1194
					Шўъба корхоналарига	510	244	—
	2-БЎЛИМИ БЎЙИЧА ЯКУН	300	26163	49823	2-БЎЛИМИ БЎЙИЧА ЯКУН	540	7713	25105
	Баланс актив бўйича ҳаммаси	310	36384	121342	Баланс пассив бўйича ҳаммаси	550	36384	121342

«БАЛИҚЧИЛИК» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ